

ISSN 2181-5291

# PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

Maxsus son, № 2, 2020

[www.psixologiyabuxdu.uz](http://www.psixologiyabuxdu.uz)





# PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL \* НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

Maxsus son. № 2. 2020-yil. \* Специальный выпуск № 2. 2020 год.

**BOSH MUHARRIR – ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:  
BAROTOV SH. R.**

Psixologiya fanlari doktori, professor.  
Xalqaro Psixologiya Fanlari Akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)  
Действительный член (академик) Международной Академии  
Психологических Наук

**ТАХРИР НАУ'АТИ – РЕДАКЦИОННАЯ  
КОЛЛЕГИЯ:**

**XAMIDOV O.X.**

Buxoro davlat universiteti rektori,  
iqtisod fanlari doktori, professor  
**SHOUMAROV G' B.**

(Bosh muharrir o'rinbosari)

psixologiya fanlari doktori, professor  
**UMAROV B.M.**

(Bosh muharrir o'rinbosari)

psixologiya fanlari doktori, professor  
**KOZLOV V.V. (Rossiya)**

psixologiya fanlari doktori, professor  
**MALI'X S.B. (Rossiya)**

psixologiya fanlari doktori, professor  
**KOROBENNIKOV I.A. (Rossiya)**

Psixologiya fanlari doktori, professor  
**KARIMOVA V.M.**

psixologiya fanlari doktori, professor  
**SAFOYEV N.S.**

psixologiya fanlari doktori, professor  
**G'OZIYEV E.G'**

psixologiya fanlari doktori, professor  
**BEKMURODOV M.B.**

sotsiologiya fanlari doktori, professor  
**QODIROV B.R.**

psixologiya fanlari doktori, professor  
**JABBOROV A.M.**

psixologiya fanlari doktori, professor

**NISHONOVA Z.T.**

psixologiya fanlari doktori, professor  
**IBODULLAYEV Z.R.**

tibbiyot fanlari doktori, professor  
**BEGMATOV A.S.**

falsafa fanlari doktori, professor  
**ABDURAXMANOV F.R.**

falsafa fanlari doktori, professor  
**MUXAMEDOVA D.G.**

psixologiya fanlari doktori, professor  
**QAHHOROV O.S.** BuxDU ilmiy ishlar  
va innovatsiyalar bo'yicha prorektori.

Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa  
doktori (PhD), dotsent

**MUHARRIRLAR – РЕДАКТОРЫ:**

Usmanova M.N. – psixol.fan.nom., dots.

Muxtorov E.M. – psixol.fan.nom., dots.

Barotova D.Sh. – psixol.fan.nom., dots.

Vohidova N.N. – Jahon iqtisodiyoti va  
diplomatiya universiteti o'qituvchisi

**ТЕХНИК МУХАХРИЛАР – ТЕХ.  
РЕДАКТОРЫ:**

Jamilova B.S, Ostanov Sh.Sh,

Rustamov Sh.Sh.

**MAS'UL KOTIB – ОТВ.  
СЕКРЕТАРЬ**

Sobirova D.A. Psixologiya fanlari  
bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent



Ziddiyatlardan qochishga intilayotgan talabalar uchun psixofiziologik xususiyatlar asab tizimining qo'zg'alish ustidan tormozlanish ustunligi, asabiy jarayonlarning aniq atalishi kabi xususiyatlarga ega.

Xulosa o'rnida aytish joizki, inson xulq-atvorining o'ziga xos shakllanish jarayoni ijtimoiy muhit bilan bog'liq bo'lib, turli xil vaziyatlarga nisbatan munosabat bildirishni taqozo etadi. Bunday holatlarda shaxsning individual - tipologik xususiyatlari nizoda xulq - atvor strategiyasini tanlashga ta'sir qiladi. Nizolarni ongli ravishda tahlil qilish va nizoli tomonlarning o'zo'rninitushuntirish orqali inson o'zini - o'zi sezilarli darajada anglab yetadi va ichki hayotning ko'plab xususiyatlarini tushunishga yordam beradi.

#### Adabiyotlar:

1. Antsupov, A.Ya., Shipilov, A. I. Nizoologiya: Oliy o'quv yurtlari uchun darslik / A. Ya. Antsupov, A. I. Shipilov. – M.: UNITY, 2000. – 551 b.
2. Fetiskin N.P., Kozlov V.V., Manuylov G.M. Sotsialno-psixologicheskaya diagnostika razvitiya lichnosti i malix grupp. – M., 2002. – C. 59-64.
3. Krogius, N.V. Ziddiyatdagi shaxs / N.V. Krogius. - Saratov: GDU, 1976. – 142 p.
4. Nizo v konstruktivnoy psixologii. Tezisi dokladov konferensii. Krasnoyarsk.2008.
5. Nemov R.S. Psixologiya. Uchebnik dlya Vuzov. V 3-x kn. – M.: VLADOS, 2001. Kn. 2.
6. Nemov R.S. Obshaya psixologiya: Kratkiy kurs. – SPb.: Piter, 2008.
7. Petrovskaya L.A. Komponentnost v obshenii: Sotsialno-psixologicheskii trening. – M.: 2010.



**Сатторов Анвар Эргашович,**  
Бухоро давлат университети "Спорт" кафедраси  
ўқитувчиси, педагогика фанлари бўйича фалсафа  
доктори.



**Ибрагимов Алишер Кароматович,**  
Бухоро давлат университети "Спорт"  
кафедраси мудири, доцент

### СПОРТЧИЛАРДА ҲИССИЙ-ИРОДАВИЙ СИФАТЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация:** Ушбу мақолада спортчиларни ҳиссий-иродавий сифатларини шаклланиши ва уни коррекциялаш механизмлари ҳақида сўз боради.

**Калим сўзлар:** ирода, ҳиссийёт, мотив, мақсад, қатъият, тасаввур.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются вопросы формирования эмоционально-волевых качеств спортсменов и механизмы его коррекции.

**Ключевые слова:** воля, эмоция, мотив, цель, решительность, воображение.

**Abstract:** This article discusses the formation of emotional and volitional qualities of athletes and the mechanisms of its correction.

**Key words:** will, emotion, motive, purpose, determination, imagination.

**Мавзунинг долзарблиги:** Мамлакатимиз истиклолга эришгандан сўнг "Таълим тўғрисида"ги, "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонунлар, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора тadbирлари тўғрисида"ги ва бошқа турли хил фармонлар туб ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданий ўзгаришларни юзага келтирмоқда.



Ҳар бир жамият ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишидан манфаатдордир. Бунинг учун маълум шарт-шароитлар яратиб берилиши керак.

Жисмоний тарбия ва спорт давлатимизда таълимнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бундан ташқари, мактабларда турли спорт тўғрисидаги ишлаб туриши ҳамда тинимсиз спорт мусобақаларининг уюштирилиши бугунги кунда Республикамиз спортининг жуда кўп соҳалари бўйича жаҳон миқёси даражасига кўтарилишига сабаб бўлмоқмоқда. Жумладан: бокс, кураш, футбол, енгил атлетика, дзюдо ва шу каби спорт турларида.

Жисмоний тарбия ва спорт ривожланиб боргани сари бу соҳага психологиянинг ҳам нечоғлиқ лозимлиги ва зарурлиги яққол кўзга ташланмоқда. Спортда психология билан боғлиқ масалалар қадимги вақтларда ҳам мавжуд бўлган. Жумладан, қадимги Грецияда жисмоний бақувват қўлилар танлаб олинди, уларни ҳаёт-мамонт жангига нафақат жисмоний, балки психологик томонлама ҳам тайёрлашган. Қолаверса Грецияда олимпиада ўйинлари ташкил этилган. Лекин бу ишлар ўша вақтларда илмий асосда олиб борилмаган.

Спорт билан шуғулланиш жисмоний бақувват бўлишдан ташқари инсонларнинг руҳиятига ҳам, меҳнат самардорлигининг ўсишига ҳам ёрдам беради. Айниқса, ақлий фаолият билан шуғулланувчи кишилар ўз фаолиятларини жисмоний маънолар, ҳаракатлар билан алмаштириб туришлари зарур. Бу психологик томондан олиб кўрилганда ҳам фойдалидир.

Спортчиларнинг ўзини-ўзи ҳиссий иродавий бошқара олиши уларнинг ўзини-ўзи бошқариш қобилиятига боғлиқ бўлиб, ўзини-ўзи бошқара олиш қобилияти спортчиларнинг ҳиссий иродавий бошқарув назорати ўрнашган нуктага боғлиқ. Яъни назорат локуси экстернал бўлган спортчилар ўзини-ўзи бошқара олиш қобилияти паст спортчилар ҳисобланади. ҳиссий иродавий бошқарув назорати нуктаси интернал спортчилар эса, ҳиссий иродавий бошқарув қобилияти юқори спортчилардир.

1. Спортчиларнинг ўзларининг индивидуал фаолияти натижалари учун масъулиятни ташқи кучларда ва шароитларда қайд қилиши табиий.

2. Спортчиларни ўзини-ўзи ҳиссий иродавий бошқаришида назоратни ташқи ва ички локаллаштириши уларнинг эмоционал ва ҳулқ-атворда ўзини-ўзи назорат қилиши билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

3. Спортчиларнинг ҳиссий иродавий сифатлари юқоридаги ҳолатларнинг мавжудлиги асосида юзага келиши ҳам мумкинлиги тахмин қилинмоқда.

Ирода муаммосининг психологияда старлича ўрганилмаганлиги бугунги кунда замонавий психологлар томонидан тан олинган. Психологияга доир концепцияларда узок вақт давомида марказий ўринни эгаллаб турган ушбу тушунчани ҳозирги пайтда муҳокама қилганимизда, ўзининг тўлақонли маъноси билдиришида айрим ноаникликлар юзага келмоқда. Тадқиқотчилар орасида иродани аниқлаш ва у билан боғлиқ бўлган ҳиссий иродавий ҳаракатлар, шунингдек ҳиссий иродавий кучланиш, ҳиссий иродавий бошқарилиш, айниқса ҳиссий иродавий ўзини-ўзи бошқариш масалаларининг барчаси тортишувларга, баҳсларга сабаб бўлаётганлиги боис, ирода термини билан маъно англатувчи воқеъликлар ҳақидаги фикрларда ўзаро бир ҳулосага келинмаган.

“Ирода тушунчасининг фалсафа, психология, ҳуқуқшунослик ва тиббиётдаги ўрганилишида қисман мослик бўлсада, аммо ушбу соҳалардаги “сўзлар устидаги музокаралар”нинг пайдо бўлиши муаммоларнинг чуқурлашиб боришига сабаб бўлмоқда, – дея ирода муаммосига қўйилган чегара юзасидан деярли бир тўхтамга келинмаганлигини таъкидлайди В.А.Иванников. – Ирода ҳақидаги содда тасаввурлар ва ҳар бир тадқиқотчининг шахсий тажрибалари ҳулқнинг ҳиссий иродавий бошқаруви ҳақида психологик аспектларни ўрганиб чиқишда кўшимча муаммоларни ҳосил қилади.”

Россия психологларининг кўпгина экспериментал ва амалий тадқиқотларидан ироданинг ҳар хил аспектларига доир муаммога бўлган кизиқишининг сусайганлигига гувоҳ бўламиз.

Хорижий психологияда эса ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб, аксинча ирода ҳақидаги тушунчаларнинг сусайганлиги боис, шу муаммога бўлган кизиқишлар ортиб бормоқда.

Дунё психологиясидаги бундай аҳвол ушбу муаммога доир саволларни ўрганишга бўлган кизиқишларни кўпайишига ундайди. Бунга жавобан психологик категориялар тизимида ирода ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланиш тенденцияси, ирода тушунчаси таркибидаги ўзгаришларнинг ўрни ва ролини аниқлашни талаб қилади.

Одамнинг ҳулқ-атвори ҳақидаги тасаввурлар контекстида ирода тушунчаси вужудга келган бўлиб, унинг ўрганилишида умумийликнинг мавжудлиги табиий эди ва шунинг учун



ирода тушунчаси инсон ҳаракатларининг вужудга келиши ҳақидаги тасаввурларни (детерминация, мақсадлар, ташлови, ҳаракатлар регуляцияси ва кўзғалиш ва шу кабилар) камраб олиши керак эди.

Замонавий психологияда ҳаракатларнинг пайдо бўлиши ва амалга ошириши жараёнларини тўғрироқ тушуниш ирода тушунчасини бошланғич алоқасини бошқа тушунчалар билан алоқасини бир хиллигини аниқлашни талаб қилади. Биринчи галда мавжуд жараёнларда қатнашувчи инициация-ўз фикрини билдириш – ҳаракатларни амалга ошириш жараёнлари кўрсатади. Яъни, мотивация, регуляция, ҳаракатлар ташлови, шунингдек шахсий билиш дифференциациясен бўлиб, булар ҳар-хил ҳаракатлар ҳарактеристикасини аниқлаб келади. Масалан, қатъийлик, ечимчилик, бир сўзчилик кабилар.

Ирода муаммоси тарихга бағишланган махсус ишлар деярли йўқ. Россия психологиясида айни муаммо бўйича умумий таҳлилни ва обзорлар В. И. Селеванов ишларида ва М.Г. Ярошевский, С.Л.Рубинштейн қўлланмаларида ёритилган.

“Ирода” атамаси антик фалсафада реаллик сифатида тушунтирилиб, Аристотельнинг қўлёзмаларида аниқ келтирилган. Унинг фикрича, бундай тушунча, ҳаракатнинг туғилиши, инсон хоҳишларига эмас, унинг бажарилишини онгли ечимини амалга оширилишини тушунтириш учун керак эди. Билимларнинг ўзигина кўзгатувчи кучга эга эмас, лекин инсоннинг реал ахлоқий ҳаракатлари билан тўқнаш келиб, унинг шундай қилишни хоҳлагани учун эмас, шундай қилиш шарт бўлганлиги учун бажарилаётганилиги бизга маълумдир. Аристотель эса бундай хулқ инициациясини ташкил этувчи кучни қидиришга мажбур бўлди.

Унинг фикрича, онгли ҳаракатни билим эмас, бошқа куч чарикади ва ушбу куч руҳиятнинг онгли қисмида, онгли ечимнинг интилиши билан бирлашуви орқали, ечимга кўзгатувчи куч билан таъсир қилади, аниқроғи ечимга кўзгатувчи куч бериш пайтида вужудга келади. Бунинг имконияти шундаки, одам ҳатти-ҳаракатини “интилиш предмети ҳаракатга келтириб, бу орқали ечимга келади, чунки интилиш предмети унинг учун бошланиш ҳисобланади.”

Шундай қилиб, ирода ва ҳиссий иродавийликни аниқлаш ва баҳолашга қаратилган методлар ўзларининг ранг-баранглиги билан тавсифланади. Тадқиқотчилар ўз фаолиятларида ҳаракатларнинг одатий ва қийинлаштирилган шароитлардаги хусусиятлари, уларнинг маҳсулдорлиги каби ҳодисаларни қайд қилиш имкониятига эга бўлганлар Тўплашган маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича, ирода мотивларда, мақсадларда, ўзини ўзи баҳолашда, ҳаракатларда, фаолиятда ўз ифодасини топар экан. Худди шу бонс ирода - бу ташқи ва ички қийинчиликларни енгишни талаб қиладиган қилиқларни ва ҳаракатларни инсон томонидан онгли бошқаришдир.

Иродани физиологик жиҳатини тушунтирар экан проф. Э.Ф.Ғозиев, “Ирода – одамнинг ўз устидан, ўз ҳис-туйғуларни, ўй-фикрларни, ҳатти-ҳаракатларни устидан ҳукмронлик қилишидир, бошқача айтганда, ирода – инсоннинг ўз хулқ-атворини онгли равишда бошқара олиши, ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, ўз олдида кўйган мақсадига эриша олиш қобилиятидир.” – деб таърифлайди.

Шахснинг ички тўсиқларни бартараф қила билиши унинг ташқи тўсиқларни ҳам муваффақиятли енгишига имконият яратади. Масалан, хизматчи югуриш мусобақаларида қатнашиб, маълум масофага югуриши, йўлда учрайдиган сув ёки бошқа ғовлардан ўтиши, ёмон аҳволдаги йўлақдан югуриши лозим. Қийинчиликларни муваффақиятли енгиб, хизматчи мазкур қийинчиликларни бартараф этиш учун зарурий ҳиссий иродавий сифатларни ўзида мужассамлаштиришга муваффақ бўлади. Шу бонс ҳиссий иродавий ҳаракатлар – шахснинг кўзлаган мақсадига эришиш учун ҳам ички, ҳам ташқи тўсиқларни енгиши билан узвий боғлиқ онгли ҳатти-ҳаракатлардир.

Петровский, Иванов ишларида иродага регуляцион ёндапилиб, кишининг мақсадларга эришишдаги фаолиятига, хулқ-атвор ва ўзини-ўзи онли бошқариш сифатида қаралади. Жумладан, ирода кишининг шундай фаоллигидирки, – деб таърифлайди Иванов П.И., – бундай фаоллик олдиндан бирор мақсад кўйиб ва шу мақсадга эришиш воситаларини олдиндан белгилаб, онгли равишда воқеъ бўлади.

Ҳиссий иродавий ҳаракатнинг бажарилишида унинг дастлабки қадами, пролага бағишланган кўпгина психологик адабиётларда мақсад кўйиш деб берилади. Мақсад деганда, П.И.Иванов, одамнинг нима иш қилиши кераклигини, нимага эришиши кераклигини ва қандай қийинчиликларни енгиб ўтиши лозимлигини англаб етишни тушунтиришга диққатни қаратади.



Шунингдек, хиссий иродавий ҳаракат бошқичлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтади:

- ҳаракат мақсадини белгилаш;
- мақсад ва воситаларни белгилаш;
- қарорга келиш;
- қарорни ижро этиш;
- ички қаршиликларни енгиш;
- ташқи қаршиликларни енгиш;
- бажарилган ишга баҳо бериш.

Ушбу бошқичлар бажарилишда кетма-кетлик кўринишини олиб, ҳар бири ўзига хос тизимликни ташкил этади. Масалан, ҳаракат мақсадини белгилашда эҳтиёжларнинг фаол томони бўлган интилишлар кўзга ташланади. Интилиш эҳтиёжни қондира оладиган нарсага, шу эҳтиёжни қондириш учун кидириб топиш ёки янгидан яратиш, ўзгартириш ва хоқозо лозим бўлган нарсага қаратилган бўлади.

Англаш даражасига кўра интилишлар истақ, тилақ ва хоҳиш даражаларига бўлинади.

Мақсад ва воситаларни белгилашда уларнинг маъқул ёки маъқул эмаслиги чамалаб кўрилади. Бундай ҳолда ирода учун хиссий иродавий хатти-ҳаракат мотивацияси муҳим аҳамият касб этади. Худди шу боис ироданинг негизини шахснинг хатти-ҳаракатлари ва ишларининг кенг кўламли, ранг-баранг хусусиятли мотивлаштирилишига омил тарикасидаги эҳтиёжларни вужудга келтиради. Психологияда мотивлаштиришнинг уч тури мавжудлиги таъкидланади.

Шахснинг эҳтиёжларини қондириш билан шартланган, уни фаолиятга ундовчи тарзда вужудга келувчи мотив сифатидаги мотивлаштиришдир. Мазкур ҳолатда мотивлаштириш фаоллик нима сабабдан вужудга келишини, шахсни фаолиятни амалга оширишга ундовчи эҳтиёжлар моҳиятини таҳлиллашга хизмат қилади.

Мотивлаштириш фаоллик нималарга йўналтирилганлигини, нега айнан шундай хулқ-атвор танланганлигини, нима учун бошқасига эътибор берилмаганлигини асослашга қаратилади. Бу ўринда мотивлар шахснинг хулқ-атвор йўналишини танлашни акс эттирувчи сабаблар функциясини бажаради. Буларнинг барчаси яхлит ҳолда келтирилганда инсон шахсининг йўналишини вужудга келтиради.

Мотивлаштириш – бу инсон ахлоқи ва фаолиятини ўзи бошқарувчи восита тарикасида намоён бўлишидир. Ушбу воситалар таркибига эмоциялар, хоҳишлар, тилақлар, қизиқишлар, майллар ва бошқалар киради. Масалан, эмоцияда инсоний феъл-атворнинг шахсий акс эттириш моҳияти баҳоланади, бинобарин, унинг туб мақсади фаолият тузлишига мос тушмай қолса, у тақдирда ҳис-туйғулар унинг йўналишини ўзгартиради. Бунинг натижасида феъл-атвор қайта қурилади, олдинги ҳаракатларни жадаллаштирувчи ёрдамчи кечинмалар ва бошқалар.

Умумлаштириб айтганда хиссий иродавий сифатлар моҳиятини турлича тушуниш, турли муаллифларнинг бу сифатларнинг турли тузилмаларини ажратишлари билан боғлиқ. Ҳар қандай сифатни, шу жумладан хиссий иродавий сифатларни ҳам, инсоннинг мавжуд имкониятлари фенотипик характеристикаси сифатида туғма ва орттирилганнинг қоришмаси сифатида кўриб чиқамиз.<sup>1</sup> Туғма компонент сифатида туғма лаёқатлар билан шартланган ҳолда қобилият иштирок этса, онтогенезда орттирилган компонент сифатида эса, инсон тажрибаси, яъни унинг ўзини-ўзи стимуллаштириш билан боғлиқ бўлган малака ва билимлари; шаклланган муваффақиятга эришиш мотиви, қийинчиликлар олдида бўйин эгмасликка нисбатан шаклланган хиссий иродавий установканинг шу қийинчиликларни бир неча марта муваффақияли енгиб ўтиш одатга айланиши кабилар ташқарида намоён бўлади. Ҳар бир хиссий иродавий сифатнинг намоён бўлиши ҳар иккала компонентга боғлиқ. Яъни, бу ҳам хиссий иродавий компонентга нисбатан қобилиятни амалга ошириш, ҳам уни намоён этиш малакаси дир.

<sup>1</sup> Ильин Е.П. Одаренность, способности, качества – синонимы или разные понятия // Теория и практика физической культуры. 2001. № 9.



Тадқиқот натижаларини таҳлил қилишда индивидуал ва умумий хулосалар чиқариш мумкин. Одатда индивидуал хулосалар тадқиқ қилинувчининг ўзи учун аҳамиятли бўлганда маълум қилинади. Бизнинг тадқиқот мақсадимиз спорт мактаби ўқувчиларида ўзини-ўзи ҳиссий продавий бошқаришни текшириш бўлганини учун натижаларни умумий таҳлил қилдик. Бунда продавий бошқаришни текшириш бўлганини учун натижаларни умумий таҳлил қилдик. Бунда ҳар уччала методиканинг ҳар бирининг ўртача қиймати ва дисперсияси "Г" мезони асосида аниқланиб, улар ўртасидаги боғлиқликнинг ишончлилик даражаси топилди.

Кейинги қадамда спорт мактаби ўқувчиларининг ўзини-ўзи бошқаришига нисбатан

Продавий сифатлар	Мақсад ва нияти	Имкониятлар ва мотивлар	Мотивлар кураши ва тавлашиши	Ечим	Ечимни амалга ошириш
Кучли прода	Мақсадни аниқ англаш, интенсив нияти	Етарли	Асосланган ва тезкор	Асосланган ва интенсив нияти	Матонат билан
Қатъий-лик	Узокланган ва интенсив нияти	Метёрда			Жуда қатъий
Ўжарлик	Объектив оқланмаган	Барча имкониятларни олдиндан янглиш фикр билан келганлиги ва объектив ҳисобга олинмаганлиги билан ажралади		Асосланмаган интенсив нияти	Қатъий
Мулоқимлик	Осон ўзгарувчан	Бошқа инсонлар кучли таъсири билан аниқланади		Осон ўзгаради	Турли хил
Таъсир кўрсата олишлик		Мавжуд эмаслиги		Таъсир келди	Таъсир келди
Қатъият-лийлик	Мақсадни аниқ англаш, интенсив нияти	Етарли баъзида ҳалдан зиёд	Тезкор лекин ҳар доим ҳам асосланмаганлик	Қатъий ва турғун	Қатъий
Қатъият-сизлик	Қатъиятсизлик	Қатъият-сизлик	Узок муддатли	Узок муддат мавжуд бўлмайди ёки тез ўзгариб туради	Мавжуд бўлмайди
Сует ҳиссий продавий лик	Ноаниқ, сует нияти билан	Ноаниқ	Яқунланмаган	Уни амалга оширишга интилийнинг мавжуд эмаслиги	Қатъий эмас

қобилияти, ўзини-ўзи назорат қилишга нисбатан мойиллиги билан ва унинг ҳар бир факторлари: эмоционал соҳада ўзини-ўзи назорат қилишга нисбатан мойиллик; фаолиятда ўзини-ўзи назорат қилишга нисбатан мойиллик; ижтимоий ўзини-ўзи назорат қилишга нисбатан мойилликлар билан, шунингдек, ўзини-ўзи ҳиссий продавий бошқара олиш (ташқиллаштира олиш) даражалари ўртасида ўзаро корреляция қилинди.

Шундай қилиб, ҳиссий продавий ҳаракатда уни мотивлаштиришнинг учта жабҳаси, яъни фаоллик манбаи эканлиги, инсон шахсининг йўналганлиги, ўзини ўзи бошқариш воситасилик акс этади.

А.Ц.Пуни фикрича, ҳиссий продавий сифат структураси, прода структурасига мос келади ҳамда интеллектуал ва ахлоқий компонентларни, шунингдек, тўсиқларни енгиб ўтиш кўникмасини ўзида мужассамлаштиради. У ҳиссий продавий сифатларни қобилиятлар сифатида гапириб ўтишни маъқул кўрмаган.



	Ўзини-ўзи ташкиллаштира олиши (организованность)ни баҳолаш	Эринчоқликнинг намоён бўлишида ўзини-ўзи бошқара олиш қобилияти	Эмоционал соҳада ўзини-ўзи назорат қилишга нисбатан мойиллик	Фаолиятда ўзини-ўзи назорат қилишга нисбатан мойиллик	Хулқ-атворда ўзини-ўзи назорат қилишга нисбатан мойиллик
Ўзини-ўзи ташкиллаштира олиши (организованность)ни баҳолаш	1	-,049	,210	,382*	,627**
Эринчоқликнинг намоён бўлишида ўзини-ўзи бошқара олиш қобилияти		1	,028	,020	,233
Эмоционал соҳада ўзини-ўзи назорат қилишга нисбатан мойиллик			1	,257	,487**
Фаолиятда ўзини-ўзи назорат қилишга нисбатан мойиллик				1	,325
Хулқ-атворда ўзини-ўзи назорат қилишга нисбатан мойиллик					1

Корреляцион таҳлилдан шу нарса маълум бўлдики, синалувчиларнинг ўзини-ўзи ҳиссий продавий бошқара олиши (ташкиллаштира олиши) ва эринчоқликни енгтишга нисбатан қобилият орасида бевосита муносабат кузатилмади:  $r = -0.49$ ,  $p > 0.05$  (4-жадвал).

Шунингдек, ўзини-ўзи ҳиссий продавий бошқара олиши (ташкиллаштира олиши) ва “эмоционал соҳада ўзини-ўзи назорат қилишга нисбатан мойиллик” орасидага боғлиқлик ҳам ишонч даражасида эмас:  $r = 0.210$ ,  $p > 0.05$ .

Бундан кўринадики, спортчи ёшларнинг ўзини-ўзи ташкиллаштира олиши (организованность) уларнинг эринчоқликни енгтишга нисбатан қобилиятга ҳам, эмоционал бошқарувчанлигига ҳам боғлиқ эмас экан.

Аммо, синалувчиларнинг ўзини-ўзи ҳиссий продавий ташкиллаштира олиши (организованность) ва “фаолиятда ўзини-ўзи назорат қила олишга нисбатан мойиллик” факторлари ўртасида ишон даражасидаги боғланиш мавжудлиги ни ( $r = 0.382$ ,  $p < 0.05$ ) кўришимиз мумкин. Демак, ёш спортчиларнинг ўзини-ўзи ташкиллаштира олиши (организованность) уларнинг фаолиятда ўзини-ўзи назорат қила олишига боғлиқ экан. Яъни, агар спорт мактаб ўқувчилари ўзларини-ўзлари спорт фаолиятларида назорат қила олсалар, бундай спортчилар ўзларини-ўзлари ташкиллаштира олар (ҳиссий продавий бошқара олар) экан. Буни шундай тушуниш мумкинки, спортчи ёшларнинг бажараётган фаолиятлари улар учун қизиқарли ёки қулай бўлсалар бундай ҳолда улар ўзларини-ўзлари ҳиссий продавий бошқара олишар экан.

Спортда эринчоқликнинг намоён бўлишида ўзини-ўзи бошқариш қобилияти билан ўзини-ўзи назорат қилишга нисбатан мойилликнинг барча факторлари: эмоционал соҳада, фаолиятда, хулқ-атворда намоён бўлиши орасида ишончли боғланиш кузатилмади ( $r = 0.028$ ,  $0.020$ ,  $0.233$   $p > 0.05$ ).

**Хулоса:** Демак, спортчиларнинг эринчоқлигининг намоён бўлишида ўзини-ўзи бошқара олиш қобилияти уларнинг хурсанд ёки хафалигига, бажариши керак бўлган фаолиятнинг қизиқарли ёки зерикарлигига ёхуд хулқ-атворига боғлиқ бўлмас экан. Спортчининг фаолиятни бажаришдан бош тортиши унинг бевосита эринчоқлигидан, продасизлигидан далолат берар экан.





**Адабиётлар:**

1. Ильин Е.П. Дифференциально психофизиологические аспекты эмоционально валево регуляции // Эмоционально валево регуляции поведения и деятельности. Тезисы Всесоюзной конференции. Симферополь, 1986.
2. Ильин Е. П. Психофизиология физического воспитания. – М., 1980.
3. Ильясов Ф. Н. Разум искусственный и естественный // Известия АН Туркменской ССР, серия общественных наук. 1986. №6.
4. Кон И.С. Открытие «Я». – М. 1978.
5. Кон И.С. Категория «Я» в психологии. – Психол. Журн., 1981., – Т. 2, №3.



**Кодирова Мунира Расуловна,**  
Заведующая кафедрой "Языков и образовательных технологий" Ташкентской медицинской академии PhD,  
доцент,

**Эргашева Шахло Пулатовна,**  
преподаватель кафедры "Языков и образовательных технологий" Ташкентской медицинской академии



**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ - ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ И МОТИВАЦИЯ В  
РАЗВИТИИ ТВОРЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ СТУДЕНТОВ ПРИ ИЗУЧЕНИИ  
ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА В МЕДИЦИНСКОМ ВУЗЕ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада тиббиёт олий ўқув юрталарида чет тилини ўқитишда талабаларнинг ижодий фаоллигини ва мотивацияларини ривожлантиришнинг педагогик ва психологик шарт – шароитлари, олимларнинг педагогик имкониятлар, психологик имкониятлар, мотивация, ижтимоий психологик имкониятлар, талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш модели, чет тилини ўрганишда интегратив ва инструментал мотивацияларни ривожлантириш механизлари ҳақида фикрлар билдирилган.

**Калит сўзлар:** ижодий фаоллик, ижтимоий психология, инновация, интегратив, инструментал, мотивация, модель.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются педагогические и психологические условия развития творческой активности и мотивации студентов при обучении иностранным языкам в медицинских вузах, педагогические возможности ученых, психологические возможности, мотивация, социально-психологические возможности, модели развития творческой активности студентов, механизмы развития интегративных и инструментальных мотиваций.

**Ключевые слова:** творческая деятельность, социальная психология, инновация, интегративный, инструментальный, мотивация, модель.

**Abstract:** This article discusses the pedagogical and psychological conditions for the development of creative activity and motivation of students in teaching foreign languages at medical universities, the pedagogical capabilities of scientists, psychological capabilities, motivation, socio-psychological capabilities, models for the development of students' creative activity, mechanisms for the development of integrative and instrumental motivations.

**Key words:** creative activity, social psychology, innovation, iterative, instrumental, motivation, model.

**Актуальность:** В мире коренное реформирование образовательной системы выдвигает на первый план проблемы реализации творческих способностей студентов, развития интегративных качеств и творческой активности личности, адаптированной к новым социально-экономическим условиям. Вопросами формирования интеллектуальной активности обучаемых, оценки их подготовки занимаются такие организации, как ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Ассоциация Европейских Университетов, Европейская Сеть Обеспечения Качества Высшего Образования.